

**Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари
иттифоқ қилган ҳадислар / 11-ҳадис**

11 – عن أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ نَاسًا قَالُوا لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَلْ تَرَى رَبَّنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «هَلْ تُضَارُونَ فِي رُؤْيَةِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ؟» قَالُوا: لَا، يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «هَلْ تُضَارُونَ فِي الشَّمْسِ لَيْسَ دُوتَهَا سَحَابٌ؟» قَالُوا: لَا يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «فَإِنَّكُمْ تَرَوْنَهُ كَذَلِكَ، يَجْمَعُ اللَّهُ النَّاسَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَيَقُولُ: مَنْ كَانَ يَعْبُدُ شَيْئًا فَلْيَتَّبِعْهُ، فَيَتَّبِعُ مَنْ كَانَ يَعْبُدُ الشَّمْسَ الشَّمْسَ، وَيَتَّبِعُ مَنْ كَانَ يَعْبُدُ الْقَمَرَ الْقَمَرَ، وَيَتَّبِعُ مَنْ كَانَ يَعْبُدُ الطَّوَاغِيتَ الطَّوَاغِيتَ، وَتَبَقَى هَذِهِ الْأُمَّةُ فِيهَا مُنَافِقُوهَا، فَيَأْتِيهِمُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى فِي صُورَةٍ غَيْرِ صُورَتِهِ الَّتِي يَعْرِفُونَ، فَيَقُولُ: أَنَا رَبُّكُمْ، فَيَقُولُونَ: نَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْكَ، هَذَا مَكَانُنَا حَتَّى يَأْتِينَا رَبُّنَا، فَإِذَا جَاءَ رَبُّنَا عَرَفْنَا، فَيَأْتِيهِمُ اللَّهُ تَعَالَى فِي صُورَتِهِ الَّتِي يَعْرِفُونَ، فَيَقُولُ: أَنَا رَبُّكُمْ، فَيَقُولُونَ: أَنْتَ رَبُّنَا، فَيَتَّبِعُونَهُ، وَيُضْرَبُ الصِّرَاطُ بَيْنَ ظَهْرِي جَهَنَّمَ، فَأَكُونُ أَنَا وَأُمَّتِي أَوَّلَ مَنْ يُجِيزُ، وَلَا يَتَكَلَّمُ يَوْمَئِذٍ إِلَّا الرُّسُلُ، وَدَعَا الرُّسُلُ يَوْمَئِذٍ: اللَّهُمَّ سَلِّمْ، سَلِّمْ، وَفِي جَهَنَّمَ كَلَالِيبٌ مِثْلُ شَوْكِ السَّعْدَانِ، هَلْ رَأَيْتُمْ السَّعْدَانَ؟» قَالُوا: نَعَمْ، يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «فَإِنَّهَا مِثْلُ شَوْكِ السَّعْدَانِ، غَيْرَ أَنَّهُ لَا يَعْلَمُ مَا قَدَرُ عَظَمَتِهَا إِلَّا اللَّهُ، تَخَطَّفُ النَّاسَ بِأَعْمَالِهِمْ، فَمِنْهُمْ الْمُؤْمِنُ بَقِيَ بِعَمَلِهِ، وَمِنْهُمْ الْمُجَارِي حَتَّى يَنْجَى، حَتَّى إِذَا فَرَعَ اللَّهُ مِنَ الْقَضَاءِ بَيْنَ الْعِبَادِ، وَأَرَادَ أَنْ يُخْرِجَ بِرَحْمَتِهِ مَنْ أَرَادَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ، أَمَرَ الْمَلَائِكَةَ أَنْ يُخْرِجُوا مِنَ النَّارِ مَنْ كَانَ لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئًا، مِمَّنْ أَرَادَ اللَّهُ تَعَالَى أَنْ يَرْحَمَهُ، مِمَّنْ يَقُولُ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، فَيَعْرِفُونَهُمْ فِي النَّارِ، يَعْرِفُونَهُمْ بِأَثَرِ السُّجُودِ، تَأْكُلُ النَّارُ مِنْ ابْنِ آدَمَ إِلَّا أَثَرَ السُّجُودِ، حَرَّمَ اللَّهُ عَلَى النَّارِ أَنْ تَأْكُلَ أَثَرَ السُّجُودِ، فَيُخْرِجُونَ مِنَ النَّارِ وَقَدِ امْتَحَشُوا، فَيُصَبُّ عَلَيْهِمْ مَاءُ الْحَيَاةِ، فَيَنْبَثُونَ مِنْهُ كَمَا تَنْبَثُ الْحَبَّةُ فِي حَمِيلِ السَّيْلِ، ثُمَّ يَفْرُغُ اللَّهُ تَعَالَى مِنَ الْقَضَاءِ بَيْنَ الْعِبَادِ، وَيَبْقَى رَجُلٌ مُقْبِلٌ

بِوَجْهِهِ عَلَى النَّارِ، وَهُوَ آخِرُ أَهْلِ الْجَنَّةِ دُخُولًا الْجَنَّةَ، فَيَقُولُ: أَيُّ رَبِّ، اصْبِرْ وَجْهِي عَنِ النَّارِ، فَإِنَّهُ
قَدْ فَشَبَّنِي رِيحُهَا وَأَحْرَقَنِي كَكَاؤُهَا، فَيَدْعُو اللَّهَ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَدْعُوهُ، ثُمَّ يَقُولُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى: هَلْ
عَسَيْتَ إِنْ فَعَلْتَ ذَلِكَ بِكَ أَنْ تَسْأَلَ غَيْرَهُ؟ فَيَقُولُ: لَا أَسْأَلُكَ غَيْرَهُ، وَيُعْطِي رَبَّهُ مِنْ عُهُودٍ وَمَوَائِقَ
مَا شَاءَ اللَّهُ، فَيَصْرِفُ اللَّهُ وَجْهَهُ عَنِ النَّارِ.

فَإِذَا أَقْبَلَ عَلَى الْجَنَّةِ وَرَأَاهَا سَكَتَ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَسْكُتَ، ثُمَّ يَقُولُ: أَيُّ رَبِّ، فَدَمِنِي إِلَى بَابِ الْجَنَّةِ،
فَيَقُولُ اللَّهُ لَهُ: أَلَيْسَ قَدْ أُعْطِيتَ عُهُودَكَ وَمَوَائِقَكَ لَا تَسْأَلُنِي غَيْرَ الَّذِي أُعْطَيْتُكَ، وَيَلْكَ يَا ابْنَ
آدَمَ، مَا أَغْدَرَكَ! فَيَقُولُ: أَيُّ رَبِّ، وَيَدْعُو اللَّهَ حَتَّى يَقُولَ لَهُ: فَهَلْ عَسَيْتَ إِنْ أُعْطَيْتُكَ ذَلِكَ أَنْ
تَسْأَلَ غَيْرَهُ؟ فَيَقُولُ: لَا، وَعِزَّتِكَ! فَيُعْطِي رَبَّهُ مَا شَاءَ اللَّهُ مِنْ عُهُودٍ وَمَوَائِقَ، فَيَقْدِمُهُ إِلَى بَابِ الْجَنَّةِ.
فَإِذَا قَامَ عَلَى بَابِ الْجَنَّةِ انْتَهَقَتْ لَهُ الْجَنَّةُ، فَرَأَى مَا فِيهَا مِنَ الْخَيْرِ وَالشُّرُورِ، فَيَسْكُتُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ
يَسْكُتَ، ثُمَّ يَقُولُ: أَيُّ رَبِّ، أَدْخِلْنِي الْجَنَّةَ، فَيَقُولُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى لَهُ: أَلَيْسَ قَدْ أُعْطِيتَ عُهُودَكَ
وَمَوَائِقَكَ أَنْ لَا تَسْأَلَ غَيْرَ مَا أُعْطِيتَ، وَيَلْكَ يَا ابْنَ آدَمَ، مَا أَغْدَرَكَ! فَيَقُولُ: أَيُّ رَبِّ، لَا أَكُونُ
أَشْقَى خَلْقِكَ، فَلَا يَزَالُ يَدْعُو اللَّهَ حَتَّى يَضْحَكَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى مِنْهُ، فَإِذَا ضَحِكَ اللَّهُ مِنْهُ، قَالَ:
ادْخُلِ الْجَنَّةَ، فَإِذَا دَخَلَهَا، قَالَ اللَّهُ لَهُ: تَمَنَّه، فَيَسْأَلُ رَبَّهُ وَيَتَمَنَّى، حَتَّى إِنَّ اللَّهَ لَيُكْرِهُ مِنْ كَذَا وَكَذَا، حَتَّى
إِذَا انْقَطَعَتْ بِهِ الْأَمَانِيُّ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ذَلِكَ لَكَ وَمِثْلُهُ مَعَهُ».

[خ 22، م 182، ت 2549، س 1140، د 4730، ج 178].

11. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Одамлар Расулulloх соллalloху алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг Расули, Қиёмат куни Роббимизни кўрамизми?» дейишди. Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам: «**Ой тўлган кечада тўлин ойни кўришда бир-бирингизга халал берасизми?**» дедилар. «Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. «**Булут тўсмаган қуёш(ни кўриш)да бир-бирингизга**

халал берасизми?» дедилар. «Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. У зот шундай дедилар: «У Зотни ана шундай кўрасизлар. Аллоҳ Қиёмат куни одамларни тўплаб, «Ким нимага ибодат қилиб юрган бўлса, ўшанга эргашсин!» дейди. Қуёшга сиғиниб юрганлар қуёшга эргашади, ойга сиғиниб юрганлар ойга эргашади, тоғутларга сиғиниб юрганлар тоғутларга эргашади. Бу уммат эса (ўз) ичидаги мунофиқлари билан қолади. Аллоҳ табарока ва таоло улар танийдигандан бошқа суратда келиб, «Мен Роббингизман!» дейди. Улар: «Аллоҳ бизга сендан паноҳ берсин! Роббимиз олдимизга келгунича шу жойда қоламиз. Роббимиз келса, Уни таниймиз», дейишади. Аллоҳ таоло уларнинг олдига улар танийдиган суратда келиб, «Мен Роббингизман», дейди. Улар: «Сен Роббимизсан!» деб, Унга эргашади. Сўнг жаҳаннам узра Сирот тортилади. Мен ва умматим ўтадиганларнинг биринчиси бўламиз. У кунда расуллардан бошқаси гапира олмайди. Расулларнинг у кундаги дуолари «Аллоҳим, саломат сақла, саломат сақла!» бўлади. Жаҳаннамда саъдон* тиканларига ўхшаган илгаклар бор. Саъдонни кўрганмисиз?» «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!» дейишди. У зот шундай дедилар: «Улар саъдон тиканларига ўхшайди. Бироқ уларнинг қанчалик катталигини Аллоҳдан бошқа ҳеч бир зот билмайди. Улар одамларни амалларига қараб илиб қолади. Уларнинг орасида ўз амали сабабли қоладиган мўмини ҳам бўлади, жазосини олиб, охири нажот бериладигани ҳам бўлади. Ниҳоят, Аллоҳ бандаларининг орасида ҳукм чиқариб бўлиб, дўзах аҳлидан Ўзи хоҳлаганларни Ўз раҳмати ила чиқаришни ирода қилади. Шунда фаришталарга Аллоҳ таоло раҳм қилишни ирода қилганлардан, «Лаа илааҳа иллаллоҳ», деганлар ичидан Аллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмаганларни дўзахдан чиқаришни буюради. Дўзахда уларни саждалар асаридан таниб олишади. Дўзах Одам боласидаги сажданинг асаринигина емайди. Зеро, Аллоҳ дўзахга сажданинг асарини ейишни ҳаром қилган. Хуллас, улар дўзахдан куйиб-қорайиб кетган ҳолда чиқарилади. Сўнг уларнинг устидан «хаёт суви» қуйилади. Улар худди селда келган лойда униб чиққан уруғдек «униб» чиқишади. Шундан сўнг Аллоҳ таоло бандаларнинг орасида ҳукм чиқариб бўлади, аммо бир киши дўзахга юзланган кўйи қолиб кетади. У жаннат аҳлининг жаннатга энг охири кирадиганидир. У: «Эй Роббим, юзимни дўзахдан буриб қўй! Унинг ҳиди мени беҳузур қилиб, алангаси куйдириб ташлади!» деб, Аллоҳ истаганча Аллоҳга дуо қилади. Сўнг Аллоҳ табарока ва таоло: «Сенга шундай қилиб берсам, бошқа нарса ҳам сўрарсан?!» дейди. У: «Шундан бошқа нарса сўрамайман», дейди ва Роббига Аллоҳ истаганча аҳду паймонлар беради. Шунда Аллоҳ унинг юзини дўзахдан буриб қўяди. У жаннатга юзланиб, уни кўргач, Аллоҳ истаганча жим туради-да, кейин: «Эй Роббим, мени жаннат дарвозасининг олдига яқинлаштир!» дейди. Аллоҳ унга: «Берганимдан бошқа нарса сўрамасликка аҳду паймонлар бермаганмидинг? Ҳолингга вой бўлсин, эй Одам боласи, бунчалар субутсизсан!» дейди. У «Эй Роббим!» дейди ва Аллоҳга дуо

килаверади. Ниҳоят, У Зот унга: «Сенга ўшани берсам, ундан бошқа нарса ҳам сўрарсан?!» дейди. У: «Иззатингга қасамки, йўқ!» деб Роббига Аллоҳ истаганча аҳду паймонлар беради. У Зот уни жаннат дарвозасининг олдига келтириб қўяди. У жаннат дарвозасининг олдига келиши билан жаннат унга кенг бўлиб очилади ва у ердаги яхшилик ва хурсандчиликни кўради. Аллоҳ истаганча жим туради-да, кейин: «Эй Роббим, мени жаннатга киритгин!» дейди. Аллоҳ табарока ва таоло: «Сенга берилганидан бошқа нарса сўрамасликка аҳду паймонлар бермаганмидинг? Ҳолингга вой бўлсин, эй Одам боласи, бунчалар субутсизсан!» дейди. Шунда у: «Яратганларингнинг энг бахтиқароси бўлиб қолмайин, Роббим!» дейди. У Аллоҳга дуо қилаверади, ниҳоят, Аллоҳ табарока ва таоло унинг ҳолига кулади. Аллоҳ унга кулиб, «Жаннатга кир!» дейди. Унга киргач, Аллоҳ унга: «Тила», дейди. У Роббидан сўрайди ва тилайверади, ҳатто Аллоҳ таоло унга фалон-фалон нарсаларни эслатади. Ниҳоят, тилаклар ҳам тугагач, Аллоҳ таоло: «Ана шулар сеники ва улар билан бирга яна ўшанча ҳам», дейди».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

* Саъдон - тиканли ўсимлик бўлиб, туянинг сеvimли емиши ҳисобланади.

Изоҳ: Аллоҳ таолога нисбатан «кулиш» феълнинг ишлатилиши ақийдага оид масаладир. Саҳиҳ хабарларда келтирилган бундай маълумотларга қандай бўлса, шундайлигича иймон келтириш, уларнинг тугал маъносини Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир. «Аллоҳнинг қабзаси», «кулиши», «юзи», «қўли», «кўзи», «болдири», «қадами» ва шу каби васфлар Аллоҳ таолонинг Ўзига хос сифатлари бўлиб, махлуқотларнинг сифатларидан мутлақо бошқадир. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, бу сифатларга уларнинг қандайлигини тасаввур қилмаган, суриштирмаган ҳолда иймон келтириш вожибдир. Бу борада Аллоҳ таолонинг «У Зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир» деган сўзи асосий қоида бўлади.

Манба: hadis.islom.uz



